
“ОНАЛАРГА ЭҲТИРОМ” ФЕСТИВАЛИ ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРДА КАТТА КЎТАРИНКИЛИК БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Фарғона шаҳри. "Оналарга эҳтиром" фестивали доирасида турли "ижтимоий дафтарлар" да рўйхатда турган бир гуруҳ хотин-қизлар туристик манзиллардан бўлган Бухоро шаҳрига саёҳатга боришди. (<https://t.me/fargonauzpress/7453>)

Бағдод тумани. Туман ҳоқими Юсуфжон Хусаинов давлат ва жамоат ишларида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган бир гуруҳ онахонларни йўқлаб, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. (https://t.me/bagdodim_news/16000)

Ёзёвон тумани. Туман ҳокимлиги мутасаддилари томонидан "Оналарга эҳтиром " фестивали доирасида ёши улуғ онахонлар ҳолидан хабар олинди. “Қатортол” ҳамда “Ижодкор” МФЙларда яшовчи оналар учун байрам дастури ташкил этилди. (<https://t.me/yozyovon24/29009>)

Қўштепа тумани. "Хўжақишлоқ" МФЙда яшовчи, бир неча йиллар давомида “Саллох” фермер хўжалигида раҳбарлик қилган, меҳнат фахрийси Олимахон ая Охунованинг хонадониди байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда туман ҳоқими Илёсбек Новиков, Республика Маънавият ва маърифат маркази вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

(<https://t.me/qoshtepatumanhokimligi/19863?single>)

Ўзбекистон тумани. 75 та маҳаллаларнинг ҳар бирида, таълим масканлари ва меҳнат жамоаларида "Оналарга эҳтиром" фестивали доирасида маънавий-маърифий тадбирлар, туркум акцияларда ўтказилмоқда. Мўътабар зотлар яна бир бор улуғланиб, уларга совғалар тўхфа этилмоқда. Оналарни мадҳ этувчи куй-қўшиқ, шеърлар янграмоқда. (<https://t.me/uzbaxborotxizmati/13225>)

Қува тумани. “Қорақум” МФЙда ўтказилган “Оналарга эҳтиром” шиори остидаги учрашувда ҳудуддаги кекса ёшдаги онахонлар, фаол хотин-қизлар иштирок этди. Тадбирда инсоний фазилатлари, самарали меҳнат фаолияти, оилада фарзандлар тарбиясидаги ибрати билан эл назарига тушган оналарга туман ҳокимлигининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари топширилди, эҳтиром гуллари улашилди. (<https://t.me/quvaaxborotxizmati/5161?single>)

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-05-24 22:31:05